

ХУШХАБАР

// 28.08.2023

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/hushhabar>



  [uzkimyosanoat](https://uzkimyosanoat.uz)

  uzkimyosanoat.uz

 (+99878) 140-74-26

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан **"Деҳқонобод**

калий заводи" АЖ тоғ-кон мажмуаси ер ости кон тозалаш ва тайёрлаш участкаси машинисти Тўрақулов Зокир Ҳамраевич "Шухрат" медали билан тақдирланди. (Зокир Тўрақулов 39 ёшда. 2019-йилдан буён мазкур заводда машинист сифатида фаолият юритиб келмоқда).

Ушбу мукофот юртимиз кимё саноатида фаолият юритаётган барча фидоий ходимларга қаратилган юксак э'тироф рамзидир!

"Ўзкимёсаноат" АЖ ҳамда кўп минг сонли кимёгарлар номидан Зокир Ҳамраевични ушбу шарафли мукофот билан табриклаймиз!